

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР Ш.Қиличев

Ушбу мақолада Фарғона водийсининг тарихий обидалари жамиятнинг маънавий ҳаётини янада бойитишда, ватанга, халққа, аجدодларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳиссиётларини уйғотишда. Ёш авлодни маънавиятини, дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ахамияти хусусида маълумотлар ёритилган.

Ватанимиз ўзининг бой маданий мероси, бетакрор тарихий ёдгорликлари билан ҳамиша дунё аҳлини мафтун этиб келган. Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистонимизда бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш ва сақлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Фарғона водийси ҳудудида кўплаб тарихий, архитектура ва археологик ёдгорликлар сақланиб қолган. Бу ёдгорликларни чуқур ўрганиш орқали ватанимиз тарихига оид бой материаллар тўпланмоқда.

Тарихий обидалар жамиятнинг маънавий ҳаётини янада бойитади, ватанга, халққа, аجدодларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳиссиётларини уйғотади. Ёш авлодни маънавиятини, дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда тарихий ёдгорликларнинг ўрни ва ахамияти катта.

Фарғона водийсидаги тарихий ёдгорликларни ўрганишда Б.А.Латинин, А.Н.Берншгам, Ю.А.Заднепровский, Т.Г.Оболдуева, Г.А.Брикина, Н.Г.Горбунова, И.Ахроров, Б.Абдулғозиева, Б.Х.Матбобоев, А.Анорбоев, Ғ.Мирзалиев, Ғ.Дадабоев каби археологларнинг салмоқли ҳиссалари бор. Уларнинг раҳбарлигида олиб борилган текширишлар натижасида 1000 дан зиёд археологик обидалар қайд этилиб, рўйхатга олинган.¹

Афсуски, собиқ шўролар даврида тарихий ахамиятга эга бўлган сон-саноксиз ёдгорликлар колхозлаштириш сиёсати даврида бузиб юборилди. Манбаларда таъкидланишича бетакрор шарқона услубда қурилган, миллий меъморчилигимиз гўзаллигини намоён этган обидалар сони XIX аср ўрталарида, яна аниқроқ айтилса, Чор Россиясининг Ўрта Осиёга бостириб келгунига қадар 50 мингдан ортиқ бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Масалан, расмий маълумотларга кўра, 50-йилларнинг бошларидан 80-йиллар охиригача бўлган давр ичида Ўзбекистонда 20 мингга яқин тарихий ёдгорликлар йўқ қилиб юборилган ҳамда 25 миғ янги топилган ёдгорликлар давлат ҳимоясига олинмаган.²

¹ ЎзРМДА, Р-2296-жамғарма, 4-рўйхат, 50-йиғмажилд, 11-варак.

² Раҳматуллаев Т. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқишида археологик материалларидан фойдаланиш. – Т. Ўқитувчи, 1994. 4-б.

Асрлар каъридан ёмғиру қор остида нураб, куёш таъсирида қақшаб, харобага айланган аксарият тарихий обидалар истиқлол шарофати билан қайта таъмирланди. Ўтмиш маданияти ва маҳаллий усталар маҳоратини ўзида мужассам этган ёдгорликлар бугунги кунда сайёҳларни мафтун этиб ёш авлодга завқ бағишламоқда. Тўғри Фарғона водийсидаги тарихий обидалар Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги машҳур обидалар снгари серхашам эмас, бироқ водийнинг ўзига хос меъморчилик ва бадий безак мактабинн ўзида мужассам этган. Халқ усталари ва наққошлари яратган беқиёс безак санъати анъаналари водий меъморчилигининг кўп асрлик тажриба хазинасидир.

Фарғона водийсида мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Давлатимиз раҳбарининг миллий қадриятларни қайта тиклаш борасидаги доимий ғамхўрлиги туфайли сўнги йилларда кўплаб ёдгорликлар таъмирланди, замонавий меъморий мажмуалар барпо этилди. Қувада бунёд этилган Ахмад ал-Фарғоний мажмуаси, Риштонда бунёд этилган Бурхониддин Марғинович рамзий мақбараси, Наманганда бунёд этилган Мулла Бозор Охунд ёдгорлиги мажмуаси, Нодим Намонгоний мақбараси, Бобораҳим Машраб уй-музеи ва ҳайкали, Чустда бунёд этилган Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси, Косонсойда бунёд этилган Махдуми Аъзам Косоний мажмуалари шулар жумласидандир.

Юртимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Тарихий обидалар, шубҳасиз, халқимиз ўтмиши, маданияти, санъати ва улуғ бунёдкорлик кучини жонли гувоҳлари сифатида асрлар оша яшайверади. Мана шу мангуликни тўла-тўқис таъминлаш учун уларни вақт-вақти билан таъмирлаш, гўзаллиги, жозибаси ва кўрку камолини келгуси авлодларга ҳам етказиш учун катта кўламда ижодкорлики иларини амалга оширишга тўғри келади.

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ва айниқса халқаро туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, бу тадбирлар археологик ёдгорликларимизни сақлаб қолиб, очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш ва қазилма даврида топилган моддий-маданий асарларни таъмирдан чиқариб, музейларга топширишни, фондларни бойитишни талаб қилади.³

Фарғона водийсида кўнлаб қадимги шаҳар ва қишлоқ вайроналари, қабрлар ва манзилгоҳлар сақланган. Улар ўзлари бажарган вазифаларга кўра ҳар бир тарихий даврда маконлар, шаҳарлар, қишлоқлар, ибодатхоналар, қабристонлар, алоҳида уйлар, мудофа иншоотлар, қалъалар кабиларга ажратилади. Улар орасида жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўринга эга

³ Абдураззоқов А.А. Ўзбекистон археология ва архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, музейлаштиридаги айрим муаммолар. “Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар ечимлар ва истиқболлар” республика илмий-амалий конференцияси. Т., 2012. 13-б.

бўлган археологик ёдгорликлар ажралиб туради. Буларга Фарғона вилоятидаги Сўх яқинидаги Селунғур ғори, Қува будда ёдгорлиги, Қува шахристони (I-XII асрлар), Андижон вилоятидаги Далварзин шаҳар харобаси (мил.аввXII-VII асрлар), Эйлатон шаҳар харобаси (миллвв-VI-IV асрлар), Мингтепа шаҳар харобаси (мил.aaa.III-мил.У асрлар), Андижон Эски шаҳар қисми (мил.авв.VI-мил.XV-XVI асрлар), Наманган вилоятидаги Ахсикент (I-XIII асрлар), Баландтепа (I-XIII асрлар), Мунчоктепа (I-VIII асрлар), Мунгтапа (I-VIII асрлар) каби машҳур ёдгорликлар киради. Археологик текширувлар натижасида Фарғона водийсининг қадимги тарихи ва маданиятига оид кўплаб асори - атиқалар кулолчилик буюмлари, тошдан ясалган буюмлар, шиша буюмлари, турли безакли тақинчоқлар, тангалар топилган.